“ЎЗТЕМИРЙЎЛМАШТАЪМИР” АЖ
кузатув кенгашининг 2023 йил
30 ноябрдаги 2-сонли баённомасига
илова

“ЎЗТЕМИРЙЎЛМАШТАЪМИР”
акциядорлик жамияти
2024 йил учун

БИЗНЕС РЕЖА

Тошкент 2023

МУНДАРИЖА

Бўлимлар	Бўлим номи	Бет
I бўлим	Корхонанинг қисқача тавсифи	3
II бўлим	Корхонанинг ташкил топиши тарихи ва унинг тузилиши	4
III бўлим	Асосий воситалар билан таъминланганлиги	9
IV бўлим	Сотиш бозорлари ва маркетинг. Экспорт ва импорт	9
V бўлим	Ишлаб чикарилаётган маҳсулотларнинг қисқача тавсифи	11
VI бўлим	Энергия ресурслари	17
VII бўлим	Меҳнат ресурслари	18
VIII бўлим	Молиявий бўлим	22
IX бўлим	Молиявий режа	25
	Ҳулоса	26

I. Корхонанинг қисқача тавсифи

1. **Корхона номи:**
«O’ztemiryo’lmashtamir» акциядорлик жамияти
Код СООГУ - 03504
Код ОКЭД - 33171
Код КФС - 135
Код КОПФ - 1200
Код СОАТО - 1726273
Код ОКПО - 01056439

2. Корхона рўйхатдан ўтказилган сана:
13 ноябрь 2023йил,рўйхат рақами – 1479654

3.Корхонани рўйхатдан ўтказган орган номи:
Тошкент шаҳар Миробод тумани давлат хизматлар маркази

4. Почта ва юридик манзили:

Индекс 100005,Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мехржон кўчаси, 64.

5. Корхона бўйсинувчи ташкилот, юқори турувчи орган:

«Ўзбекистон темир йўллари»АЖ

6. Банк реквизитлари:

Ҳисоб рақами: 20210000200122802001в O’Zr TIF MB Mirobod filiali/банк коди: 00450
СТИР: 201051864

7. Корхона маъмурияти телефонлари, факслари ва ФИО:

Бошқарув раиси -К.У.Халиков

Бошқарув раиси биринчи ўринбосари-Бош мухандис- С.Р.Мухаммадинов

Ишлаб чиқариш бўйича директор - Н.О.Раматов

Тижорат директори- Ш.К.Рухутдинов

Молия ишлари бўйича директор - К.Б.Абдурахманов

Кадрлар ва маиший масалалар бўйича директор -Ғ.А.Қурбонов

Корхона ташкиилий тузилмаси 1-иловада келтирилган.

Тел: (71) 237-88-85, факс: (71) 233-65-84
E-mail: infouptrz@gmail.com
Веб-сайт: www. trz-web.uz

II. Корхонанинг ташкил топиши тарихи. Корхонанинг ривожланиш тарихидаги асосий босқичлар. Корхона таркиби.

Транспорт тизимининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланган, мамлакатимиз темир йўл тармоғининг мустаҳкам пойдевори, ҳаракат таркибининг доимий созлигини таъминлаб келаётган, Ўзбекистон Республикасидаги энг кўхна корхона “Ўзтемирйўлмаштаъмир” унитар корхонаси ўзига хос тарзда жадал ривожланаётган саноаткорхоналаридан биридир. Бу ноёб тарихга эга бўлган республикамиздаги биринчи саноат корхоналаридан саналади.



У ўзининг ўтган тарихи мобайнида ҳунармандчилик цехларидан тортиб, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қудратли саноат корхонасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Тошкент тепловоз таъмирлаш заводи 1900 йил 10 май куни Ўрта Осиё темир йўлининг бош устахонаси сифатида ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда замонавий талабларга жавоб бера оладиган йирик саноат корхонасига айланди.Унда йиллар мобайнида паровозлар, тепловозлар, электровозлар, йўловчи ва махсус вагонлар таъмирланиб, шунингдек, янги вагонлар, цистерналар ҳамда эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш амалга ошириб келинди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига қарашли корхонани ҳозирги кунда ишчи-ходимларнинг умумий сони деярли1300 нафар.

1958 йилдан бошлаб заводнитубдан ўзгартиришжараёни бошланди. Уч йил давомида завод жамоаси 146 дона дастгоҳни, шу жумладан: энергетик ва кўтариш - транспорт ускуналарини йиғди ва ўзлаштирди, заводда локомотивларни таъмирлаш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш билан шуғулланувчиконструкторлик бўлими ташкил этилди.

1959 йилда ТЭ-3 сериясидаги биринчи магистрал тепловози таъмирдан чиқарилди.

1965 йилда завод мамлакатда биринчи бўлиб ЧМЭ-2 сериясидаги Чехословакияда ишлаб чиқарилган тепловозларини таъмирлашни ўзлаштирди.

1970 йилларда заводда 2ТЭ10Л сериясидаги йирик магистрал локомотивларни таъмирлаш ишлари бошланди.

1980 йилларнинг бошларида заводнинг реконструкцияси учун катта капитал қўйилмалар киритилди. Шундай қилиб, реконструкциядан аввал корхона тепловозларнинг 300 га яқин секцияларини таъмирдан чиқарган бўлса, реконструкциядан сўнг 400 га яқин секцияларини таъмирдан чиқара бошлади.

1990 йилларда, амалга оширилган реконструкция ишларидан сўнг, корхонаянада кучга тўлди. Янги замонавий технологияларнинг жорий этилиши, замонавий ускуналарнинг ўрнатилиши заводга зарар билан ишлаётган корхоналар сафидан чиқиб, рентабел корхоналар сафига кўтарилишига имкон берди.



1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан, Тошкент тепловозларини таъмирлаш заводи, Андижон ва Пахтаобод механика заводлари "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик темир йўл компанияси таркибига киритилиши билан "Ўзтемирйўлмаштаъмир" ишлаб чикариш бирлашмасига айлантирилди.

Уюшма таркибида Андижон ва Пахтаобод заводлари ўз ишларида ишонч ва барқарорликка эришдилар. Темир йўл ҳаракатланиш таркиби учун эҳтиёт қисмларни етказиб бериш бўйича яхши йўлга қўйилган алоқалар энг аҳамиятли йўналишлар бўйича эҳтиёт қисимлар, узел ва агрегатларнинг етишмаслигини бартараф этишга ёрдам берди.

“Ўзтемирйўлмаштаъмир” ИЧБ ўз йўналишига кўра харакатланувчи таркибни таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

Валюта маблағларини тежаш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан завод олдига импортни ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чикаришни ташкил этиш вазифаси қўйилди. 1993 йилда ТЭМ-2 сериясидаги тепловозларни капитал таъмирлаш ўзлаштирилди, харакатланувчи таркиб учун илгари бошка республикалардан етказиб бериладиган,ўнлаб эҳтиёт қисмлар(вагон ва локомотивлар учун тормоз колодкалари, темир йўл қурилиши ва таъмирланишида ишлатилувчи болтлар вақайрилма михлар, М22 гайкалари, текис ва икки бурилишли шайбалар, пружиналар, Д50 ва Д100 дизел вкладишлари, горизонтал скользунлар ва бошқа бир қатор қисмлар) ни тиклаш ва ишлаб чиқарилиши амалга оширилмоқда.

1994 йилда завод йўловчи ташиш вагонларини капитал таъмирлашини ўзлаштирди. Ёнилғи ресурсларини тежаш мақсадида темир йўлларни электрлаштириш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш муносабати билан, завод ВЛ80С сериясидаги электровозларни таъмирлашни ўзлаштира бошлади.

1995 йилда деполар учун электровоз ғилдиракларини таъмирлашни ўзлаштириш бошланди.

1997 йилда Асака шаҳрида енгил автомобилларни ишлаб чиқариш заводи (УзДЭУавто) ишга туширилиши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати заводга енгил автомобилларни ташиш учун икки поғонали платформаларни жиҳозлантириш ва таъмирлаш ишларини топширди.

Шунингдек 1997 йилда минерал ўғитларни ташиш учун хоппер вагонларни таъмирлаш ва модернизация қилишни ривожлантириш бошланди.

1998 йилда ёғоч ва металл кузовли ёпиқ юк вагонларини капитал таъмирлаш жараёнлари йўлга қўйилди.

1999 йилда корхона руда минералларини ташувчи вагонларни қайта жиҳозлаш орқали,вагонларни цемент ташиш учун мослаштиришни ўзлаштирди.

2000 йилда корхона Ўзбекистонда ва бутун Марказий Осиёда биринчи марта “АЗОВМАШ” заводи ва Украинанинг "Сереп" МЧЖ мутахассислари билан биргаликда йирик узелли цистерналарни йиғишни амалга оширди. Тепловозлар ва ёпиқ вагонларни капитал таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари ўзлаштирилди.

2001 йилда заводда юк вагонларининг ишлаш муддатини узайтириш учун синов-диагностика маркази ташкил этилди, унинг мутахассислари Москва халкаро "Спектрум" диагностика ўкув марказида ва Нижний Новгород техник диагностика, экспертиза ва сертификатлаштириш марказида ўқитилди. Ўша йили буғиситиш тизимини ўрнатган ҳолда тепловозларнинг ишлаш муддатини узайтириш ва цистерналарни капитал таъмирлаш ишлари амалга оширила бошланди.

2002 йилда корхона ёпиқ вагонларнинг хизмат муддатини узайтирган холда қайта тиклаш таъмирлаш турини, ярим вагонларни цемент ташувчиси вагонларга модернизациялашни, самосвалларни капитал таъмирлашни ўзлаштирди.

2003 йилда корхона ярим вагонларнингхизмат кўрсатиш муддатини 5 ва 11 йилга узайтирган холда тиклаш таъмир туриниамалга ошириш йўлга қўйилди.

2004 йилда корхона КР-2 ҳажмида электровозларнинг тортиш электр двигателлари синчиникапитал таъмирлашни ўзлаштирди ва шунингдек М27гайкаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

2005 йилда корхона КР-2 ҳажмидаги ВЛ80 сериясидаги электровозларни капитал таъмирлашни ўзлаштирди, хизмат муддатини 5 йилга узайтириш билан думпкараларниқайта тиклаш, ёпик вагонларни жорий таъмирлашни ўзлаштирилди.

2006 йилда корхона ВЛ60к серияли электровозларнинг хизмат муддатини узайтирган ҳолда тиклашни ва платформа асосида цемент ташувчи машинани ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

2003 йил октябрь ойида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 24 октябрдаги 464 сонли қарорига биноан. "Дизел локомотив паркини модернизация қилиш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун "Иргидромаш" ОАЖ қуйма ишлаб чиқариш қисмида "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонаси қошида бўлган "Қуюв механика заводи" шўба корхонаси қайта ташкил этилди.

"Ўзтемирйўлмаштаъмир" УК бош директорининг "ТР-3 ҳажмидаги тепловозларни таъмирлаш ва "Ўзтемирйўлмаштаъмир" УКда вагонларни модернизация қилиш тўғрисида”ги "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг 25.08.2009 йилдаги 311-Н сонли буйруғини бажариш тўғрисида”ги 10.09.2009 йилдаги 623 сонли буйруғига биноан юк вагонларини таъмирлаш, "ЛМЗ" ШК ва "АМЗ" ШКга ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларини бажариш учун "Ўзтемирйўлмаштаъмир" УК 2005 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш ҳажми ҳар йили ўсиб борувчи, махаллий хомашё асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи жиҳозлар ва материаллар ишлаб чиқаришни махаллийлаштириш бўйича Давлат дастурига киритилган.

2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 18 мартдаги 1074сонли "2009-2013 йилларда темир йўл соҳасини ривожлантириш ва модернизация қилишнинг комплекс дастури" тўғрисидаги фармони ва "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК Бошкаруви Раисининг 29.07.2009 йилдаги 276-Н-сонли буйруғига биноан "Ўзтемирйўлмаштаъмир" УКда 1А-9ДГ янги дизел двигателини ўрнатиш билан тепловозларни модернизация қилиш амалга оширилди.



2017 йилда корхонанинг барча бинолари таъмирланиб, корхонанинг дастгоҳлар паркини модернизация қилиш имконини берадиган 123 дона замонавий ускуналар ўрнатилиб, ишга туширилди ва ТГМ4 ва ТГМ6 русумли ҳаракат таркибини капитал таъмирлаш ўзлаштирилди.

2018 йилда АДМ русумли автомотрица дрезиналарини капитал таъмирлаш ва хизмат муддатини узайтириш ишлари йўлга қўйилган бўлса, бир йил ўтиб, 2019 йил “ВНИКТИ” АЖ мутахассислари билан ЧМЭ-3 туридаги тепловоз тележкалари рамасини қайта тиклаш йўли билан хизмат муддатини узайтириш ўзлаштирилди.

2020 йилда Хитой давлатида ишлаб чиқарилган “O’zbekiston” “O’z-Y” русумли электровозларни таъмирлаш ва ғилдирак жуфтликларини капитал таъмирлаш ишлари амалга оширила бошланди.

2022 йилда корхона ўз тарихида биринчи маротаба тепловозларнинг мухим таркибий қисми ҳисобланган ва шу пайтгача чет эл мамлакатларидан импорт қилиб келинаётган Д100, Д50, Д49 Гильзалари, поршеньҳамда тепловоз бандажларини ишлаб чиқара бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-329-сон Қарори ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2023 йил 17 октябрдаги 795-Н-сонли буйруғига асосан ”Ўзтемирйўлмаштаъмир” унитар корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли 2023 йил 13 ноябрь санасидан “Ўзтемирйўлмаштаъмир” АЖ (акциядорлик жамияти) шаклида қайта ташкил этилди.

Бой тарихга эга бўлган ”Ўзтемирйўлмаштаъмир” АЖ жамоасининг олдига қўйган асосий мақсади - амалиётда халқаро стандартларга жавоб берадиган илғор технологияларни қўллаб, жахон андозаларига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришда улкан ҳисса қўшаётган локомотивларнинг иш унумдорлигини ошириш, шунингдек, жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикасида амалга оширалаётган ислоҳотлар жараёнида ҳамда иқтисодиётни янада мустаҳкамлашда муносиб ўрин эгаллашдир.



"Ўзтемирйўлмаштаъмир"акциядорлик жамияти ихтисослашган ишлаб чиқариш:

- барча серияли локомотивларнинг хизмат муддатини узайтирган ҳолда капитал таъмирлаш ва капитал тиклаш-таъмири;
- ўзгарувчан ток электровозларини капитал таъмирлашва капитал тиклаш-таъмири;
- юк вагонларини капитал таъмирлаш;
- хизмат муддатини узайтирган ҳолда юк вагонларини модернизация қилиш;
- электр машиналарини капитал таъмирлаш;
- ғилдирак жуфтларини шакллантириш;
- локомотив агрегатларини таъмирлаш;
- резина техник буюмлар ишлаб чиқариш;
- "Ўзбекистон темирйуллари" АЖ эҳтиёжларини қондириш учун харакатланувчи таркиб ва йўл устки тузилиши учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш;

Шунингдек завод ташкилий, молиявий, илмий-техник, реклама фаолиятини, халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни, аҳолига хизмат кўрсатишни ҳам амалга оширади.

Корхона фаолияти:

• барча серияли локомотивларнинг хизмат муддатини узайтирган ҳолда капитал таъмирлаш ва капитал тиклаш-таъмирлаш;

• ташкилий, молиявий, ахборот, илмий ва техник;

• Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, ташқи иқтисодий фаолият;

• реклама, нашриёт, халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга республикада талаб катта, шунинг учун йилдан-йилга сотишдан олинадиган фойда ижобий ўсиш тенденциясига эга бўлиб, уни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ишлатишга имкон беради.

Маҳсулотларнинг асосий истеъмолчилари "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ таркибига кирувчи корхоналардир.

Йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормокда, тақдим этилаётган маҳсулотлар ва хизматлар сифати яхшиланмокда, янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштирилмокда.

Бошқа корхоналар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмокда.

Завод ИСО 9001: 2008 сертификатларига эга, 2006 йилдан буён компания рақобатбардош маҳсулотлар чиқарилишини, экологик хавфсизлик ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаган.ИСО 9001:2015 "Ўзтемирйўлмаштаъмир" АЖ Сифат менежменти тизимини жорий қилган ва амал қилмокда. Бундан ташқари 2024 йилда бошқарувнинг ERPS (Enterprise Resource Planning System) корхона ресурсларини режалаштириш тизимини жорий қилиш кўзда тутилган.



III. Асосий воситалар билан таъминлаш ва корхонани ривожлантириш дастури.

Бугунги кунда корхонанинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмаси кўп йўналишли ишлаб чиқариш цехларини ўз ичига олади, шу жумладан: харакатланувчи таркибни капитал таъмирлаш ва умумий йиғиш цехи, харакатланувчи таркибни синовдан ўтказиш цехи, машинасозлик, металлга ишлов бериш, рангли металларни қуйиш, темирчилик- пресслаш, асбобсозлик, аккредитациядан ўтган марказий завод лабораторияси, корхона омборхоналари ва резина-техник ишлаб чикариш участкаси.

Айни пайтда корхонада 2020 йилга мўлжалланган шартномаларда кўзда тутилган махсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган асосий воситалар мавжуд.

Асосий цехларда - умумий майдони 49,4 минг м2 бўлган локомотивларни йиғиш, электр машиналари, электр жихозлари, дизелларни таъмирлаш, таъмирлаш-йиғиш, ғилдиракларни йиғиш ва таъмирлаш цехларида - харакатланувчи таркибни, агрегатлар ва узелларни демонтаж ва ювишдан бошлаб, синов ва топширишгача бўлган тўлиқтаъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Темирчилик-пресслаш, инструментал-механикцехлар асосий фаолиятга ёрдам берувчи цехлар бўлибуларнинг умумий майдони 19,4 минг м2. Ушбу цехлар ҳам ўз эхтиёжларимиз учун, ҳам ташқарига юбориш учун эхтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Ёрдамчи цехлар - механик -таъмирлаш, таъмирлаш- қуриш, энерго-қувват, иссиқлик ва сув таъминоти цехи, транспорт цехларинормал шароитдагиасосий ишлаб чиқариш жараёнини таъминлашга мўлжалланган.

Иш жойлари ускуналар, дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, технологик жараёнга мувофиқ, меҳнат хавфсизлиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини таъминлайди. Аммо замон талаблари бизни харидор талабини қондириш билан бирга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш устида доимий ишлашга мажбур қилади. 2000 йилдан 2011 йилгача импорт ўрнини босувчи қисмлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 149 дона технологик ускуналар сотиб олинди. Харакатланувчи таркиб ва уларнинг узелларини барча турдаги таъмирлаш ишларини янада сифатлироқ амалга ошириш учун ўз кучларимиз билан 2000 дона технологик ускуналар, стендлар, мосламалар ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, 2015-2017 йилларда Хитойдан яна 123 та ускуналар сотиб олиниб, ишга туширилди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган ГОСТ ва ОСТларга ва бошка меъёрий-техник хужжатларга мувофиқ, хар хил турдаги қора металл прокатидан, қотишмали пўлатдан, пардозлаш ва термик операцияларидан фойдаланган ҳолда тайёрланади.

Завод мижозлар томонидан тақдим этилган норматив-техник ҳужжатларга мувофиқ, бошка буюртмаларни ҳам бажара олади.

IV.Савдо бозори ва маркетинг

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сотишнинг асосий бозори - "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ корхоналари ва Ўзбекистон Республикасининг саноат корхоналаридир. Бундан ташқари, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар МДҲ мамлакатларига экспорт қилинади.

Корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- Рақобатбардошликни ошириш ва ишлаб чиқарилаётган ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар турини кўпайтириш, шу жумладан асосий ишлаб чиқариш фондлари таркибига инновацион ускуналарни модернизация қилиш ва ўрнатиш орқали.

- Хорижий компаниялар - корхона маҳсулотининг потенциал мижозлари билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш, маҳсулот таннархинибосқичма-босқич пасайтириш.

- ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бозорларини кенгайтириш.

Маркетингнинг асосий мақсади - "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги бўлинмалари, жамият таркибидан ташқари бошқа саноат корхоналари ва қўшни республикалар учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини кенгайтириш.

Савдо бозорини кенгайтириш

1-жадвал

№	Номланиши	Харидор
1	Локомотив ва юк вагонларини таъмирлаш	“Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг бўлинмалари, темир йўл корхоналари, саноат корхоналари ва тадбиркорлар, қўшма ва хорижий корхоналар
2	Узел ва агрегатларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш	“Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг бўлинмалари, темир йўл корхоналари, саноат корхоналари ва тадбиркорлар, қўшма ва хорижий корхоналар
3	Ностандарт ускуналарни ишлаб чиқариш	“Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг бўлинмалари, темир йўл корхоналари, саноат корхоналари ва тадбиркорлар, қўшма ва хорижий корхоналар
4	Импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар ва агрегатларни маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқариш	“Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг бўлинмалари, темир йўл корхоналари, саноат корхоналари ва тадбиркорлар, қўшма ва хорижий корхоналар
5	Халқ истеъмол моллари	Хусусий тадбиркорлар, жисмоний шахслар

V. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг қисқача тавсифи

Корхонанинг асосий маҳсулотлари ТЭ10, ТЭМ2, Uzte16M сериясидаги тепловозларни, ВЛ80С ва ВЛ60к серияли электровозларни, юк ва махсус вагонларникапитал таъмирлаш, хизмат муддатини узайтирган ҳолда тиклаш ва модернизация қилишдан иборат. Шунингдек, узел ва агрегатларни капитал таъмирлаш, харакатланувчи таркиб ва темир йўл устки тузилиши учун деталлар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш.

2-жадвал

Маҳсулот	Вазифаси ва техник тавсифлари
1.UzTE16Мтепловози - ТЭ10М сериясидаги тепловозга 1А-9ДГ янги дизел двигатели ўрнатилган ҳолда модернизация қилинган	Магистрал локомотив хисобланиб, 1520мм ғилдирак изида юкларни ташишга мўжалланган.Дизел қуввати, кВт (от кучи) - 2206 (3000); конструкцион тезлиги, м / с (км / соат) - 27,72 (100); узок муддатли тортиш кучи, кН (тк) - 245 (24.96);
2. ТЭ10 серияли Тепловозлар	Доимий электртокини узатишорқали ҳаракатланувчи, қўлда бошқарилувчимагистрал тепловоз. Қуввати - 1780 кВт. Конструкцион тезлиги 100 км / соат. Юк по-ездларини ташиш учун мўлжалланган.
3. ТЭМ2серияли Тепловозлар	Маневр ишларини бажариш учун мўлжалланган тепловоз. Дизельнинг тўла қуввати – 882кВт. Кон-струкцион тезлиги–100 км\соат. Хизматдаги оғирлиги 120тн. Тепловознинг бошқаруви- қўл бошқарувига асосланган.
4. ЧМЭ3серияли Тепловозлар	ЧМЭ3 тепловози Чехословакия ишлаб чиқарилган бўлиб, маневр локомотивлари синфига киради. Доимий электр токини узатиш орқали ҳаракатланади. Тортиш қуввати 736 кВт (1000от кучи). Конструкцион тезлиги 95 км/соат.
5. ВЛ80С серияли Электровоз	Электрлашган магистрал темир йўлларда ишлаш учун мўлжалланган. Кўп бирликлар тизими(КБТ) бўйича ишлайдиган, бир турдаги иккита секциядан иборат. Учта секция ёки иккита электровозни бошқаришга им-кон берадиган тизим билан жиҳозланган.
6.ВЛ60Ксерияли электровоз	Ички магистрал темир йўлларида юк ва йўловчи поездларини бошқариш учун мўлжалланган, номинал кучланиши 25 киловольт бўлган бир фазали ток (50гц) частотасида электрлаштирилган. Битта секциядан иборат.
7. АДМ дрезинаси	Ушбу теника ўзи ҳаракатланувчимашина бўлиб, 2 қисмдан иборат. Олдконсолда юк кўтарувчи кран жойлашган. Орқа консолда электростантсия ва ўрнатиш платформаси мавжуд.Телескопик кўтариш крани алоқа линиясининг таянч пунктларини йиғиш ва демонтаж қилиш, турли хил юкларни кутариш ва тушириш ишларини бажаради. Темир йўлларда ишчилар ва маъмурий-техник ходимларни тезкор ташиш учун мўлжалланган.
8. ПЭ2У серияли электровоз	Конларда жойлашган ва 1500 ёки 3000 В доимий электр токи билан электрлаштирилган темир йўл линияларида ташиш ишларини бажариш учун ишлаб

	чиқарилган.тортиш кучи 680 кН, тезлиги 3000В да 28,9 км/соат, 1500В да 13,6 км/соат.
9. Юк ташувчи вагонлар: а) полувагонлар б) платформа асосидаги цемент ташувчи вагон	- Атмосфера ёғинларидан ҳимоя талаб қилмайдиган, майда, йирик бўлакли, донали ва бошқа юкларни ташиш учун.вагон массаси-21.1 тонна. - Цемент ташиш учун ПЛЦ 01.00.00.00 ва ПЛЦ 02.00.00.00.лойиҳаси бўйича жиҳозланган платформа (модель 13-401; 13-4012). Бункер ҳажми 50 куб.м ва юк кўтариш ҳажми 60 тонна.
10. Агрегатлар ва узеллар: а) дизель 10Д100	-тури – вертикаль, иккитактли турбобосимли. Қуввати-2206 кВт, цилиндрлар сони -10. Энг юқори ёнивчанлик босими -10,5 МПа. Генераторсиз дизель массаси- 18 800 кг.
б) тортиш двигателлари ЭД107, ЭД 118А, ЭД118Б	-Магистрал тепловозларда электр узатиш учун доимий ток двигателлари. Қуввати-305 кВт. Кучланиши-463/691В, ток-720/483А, масса-3100 кг.
в) тортиш двигателлари НБ418, НБ514	-ВЛ80С Электровозларида электр узатиш учун доимий ток двигателлари. Қуввати-740 кВт. Кучланиши-950 В, ток-820А, масса-4350 кг.
г) асосий генераторлар ГП300, ГП311Б	-Тепловозлардаги тортиш генераторлари дизелнинг механик энергиясини электр энергиясига алмаштиради. ГП311: максимал ток -4320А, максимал кучланиш -700 В.ГП300: Максимал ток-1210А, максимал кучланиш -780 В.
д) ғилдирак жуфтликлари	-Тепловоз, электровоз, электрпоездлар ва вагонлар.
е) КТ6, КТ7компрессорлари	- Ораликҳаво совутиш билан 3 цилиндрли компаундли, тепловоз ва электровозларнинг тормоз тизимига ҳаво етказиб бериш учун хизмат қилади. Иш босими - 7,5-9,0 атм. Қувват -44 кВт.
ж) турбокомпрессор ТК34	- 10Д100 дизел цилиндрларида ҳаво босимининг биринчи босқичини таъминлаш учунхизмат қилади.
9. Харакатланувчи таркибни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлари.	-Вагон ва локомативлар учун тормоз колодкалари; -КТ6 поршен ва цилиндрлари; -Рессор осма пружиналари ва харакатланувчи таркиб-ни таъмирлаш учун бошқа эҳтиёт қисмлар
10. Йўл устки тузилмаси эҳтиёт қисмлар	-Махкамловчи ва клеммали болтлар; -Костиллар; - М22 турдаги гайкалари; -Ясси ва икки шохли шайбалар; - Йўл шуруплари Янги темир йўлларни қуриш ва мавжуд темир йўлларни таъмирлаш учун мўлжалланган.

ТОВАР МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ

Локомотивларни таъмирлаш, харакатланувчи таркиб учун эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш, ностандарт ускуналар импорт ўрнини босишда асосий ҳисобланади, бу "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ корхоналари учун зарур ускуналар импортини сезиларли даражада камайтиради. Маркетинг тадқиқотлари доимий талаб мавжудлигини, шунингдек, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ корхоналари учун етказиб бериладиган хизматлар ҳажми ва ускуналарни таъмирлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмининг баркарор ўсишини кўрсатмокда, бу эса маҳсулот ҳажмини, хизматлар кўрсатилишини ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни 2024 йилга прогноз қилиш имконини берди.

2024 йил учун ишлаб чиқариш прогнози ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш


3-жадвал

Амалдаги нархларда ишлаб чиқариш прогнози(минг сўм)	**Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш (%)**
334 000 000	**95**
1 чорак 70 840 000	
2 чорак 79 350 000	
3 чорак 87 975 000	
4 чорак 95 835 000	

2022-2024 йиллар учун ишлаб чиқариш ўсиш суръати

4-жадвал

Йиллар	**2022йил факт**	**2023йилкутилиш**	**2024йил прогноз**
Амалдаги нархларда ишлаб чиқариш ҳажми (минг сўм)	**268 220 697**	**290 000 000**	**334 000 000**



Вазифаси ва фойдаланиш соҳаси.

Юқоридаги маҳсулотлар, ишлар, хизматлар "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ корхоналарининг узлуксиз ишлашини таъминлашга мўлжалланган.

Кафолат ва сервис

Техник ҳужжатларга мувофиқ маҳсулотнинг ишлаш муддати кафолатланади.

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Корхонанинг асосий вазифаси истеъмолчилар эҳтиёжларини максимал даражада қондириш мақсадида тақдим этилаётган маҳсулотлар ва хизматлар турларини кенгайтиришдир. Завод мутахассислари янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш бўйича доимий равишда иш олиб борилади.

2022-23 йилларда олиб борилган ишлар натижасида ҳозирги кунда корхонамиз томонидан **4 турдаги Гилзалар(цилиндр вутулкалари) , Д100 дизеллари учун юқори ва пастки поршенлар** ва **тепловоз ғилдираклари учун бандажлар** маҳаллийлаштириб ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонанинг 2024 йилга Маҳаллийлаштиришдастурига киритилганасосий маҳсулотлари 2-жадвалда келтирилган.

5 - жадвал

	Корхона номи	Махаллийлаштирилаётган махсулот номи	Ўл-чов бир-гили	2024 - йилга режа		
				Миқдори	Нархи (млн.сум)	Махаллий-лаштириш даражаси, %
1	"Узтемирйулмаштаъмир" УК	Вертикал узатма корпуси (юқори)	дона	11	160	70
2		Вертикал узатма корпуси (пастки)	дона	11	160	70
3		II-босқич нагнетатель вали Д100.37.126	дона	11	110	75
4		Вертикал узатма вали Д100.08.005	дона	22	111	80
5		Вал верхний Д100.08.005-3	дона	22	113	70
6		Вал нижний Д100.08.057-4	дона	22	119	70
7		Шестерня ТЭД ўнг томон 8ТН.240.217	дона	26	111	80
8		Шестерня ТЭД чап томон 8ТН.240.218	дона	26	111	80
9		Вкладыш МОП (ЦАМ)	дона	110	718	80
10		Шестерня Д49.128.02.01	дона	44	114	70
11		Вал привод 1А-5Д49.128.17	дона	39	113	75
12		Цилиндр втулкаси Д49.36.1-01	дона	127	926	60
13		Цилиндр гильзаси Д50М.01.002	дона	33	330	85
14		Шкив Д50.34.025	дона	22	113	85
15		Асосий сув насоси вали Д49.123.2спч	дона	22	110	75
16		Қўшимча сув насоси вали Д49.123.2спч	дона	22	110	75
17		Электровоз редукторининг шестерняси 8ТН.240.131 ВЛ60, ВЛ80	дона	17	112	68

18		Электровоз редукторининг шестерняси 8ТН.244.047 ВЛ60, ВЛ80	дона	17	112	68
19		Асосий полюс ТЭД-ЭД118	дона	735	4738	57
20		Қўшимча полюс ТЭД-ЭД118	дона	735	4246	48
21		Асосий полюс ТЭД-НБ514	дона	187	1514	48
22		Қўшимча полюс ТЭД-НБ514	дона	187	1514	44
23		Компенсацияловчи полюс ТЭД-НБ514	дона	187	1326	44
Жами:					**17024**	

Маҳсулот экспорти


Махсулот экспорти бўйича асосий ҳорижий ҳамкорлар МДҲ мамлакатлари - Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон темир йўл ва бошқа корхоналари хисобланади.

Асосий ҳаридорлар тўғрисида маълумот

Ички бозорда:

6 -жадвал

Корхона номи	**Маҳсулот тури**	**Умумий савдо ҳажми суммаси ва %**	**Ҳамкорлик муддати**
2023йил			
“Ўзбекистон темир йуллари” АЖ корхоналари	Харакатланувчи таркибни, узелларни таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар, йўлнинг устки тузилиши қисмларини ишлаб чиқариш	228 млрд.сўм ёки82%	Узоқ, барқарор алоқалар
Саноат корхоналари	Тепловозлар, вагонлар, узелларни таъмирлаш, пўлат ва темир қуйиш, болғалаш	62 млрд.сўм ёки18%	Узоқ, барқарор алоқалар
2024йил			
“Ўзбекистон темир йуллари” АЖ корхоналари	Харакатланувчи таркибни, узелларни таъмирлаш, эҳтиёт қисмлар, йўлнинг устки тузилиши қисмларини ишлаб чиқариш	274 млрд.сўм ёки82%	Узоқ, барқарор алоқалар
Саноат корхоналари	Тепловозлар, вагонлар, узелларни таъмирлаш, пўлат ва темир қуйиш, болғалаш	60млрд.сўм ёки18%	2 йилдан 10 йилга қадар




Хом ашёни асосий етказиб берувчилар тўғрисида маълумот

7 –жадвал

Корхона номи	Маҳсулот тури	Хариднинг умумий ҳажмидан %	Ҳамкорлик муддати
2023йил			
“Ўзбекистон темир йуллари” АЖ корхоналари	Ёкилғи-мойлаш материаллари, металл, ёғоч, бўёқ, изоляция материаллари, бошқа материаллар ва эҳтиёт қисмлар	60	Узоқ, барқарор алоқалар
Ўзбекистон Республикаси фирмалари ва саноат корхоналари	Металлпрокат, эҳтиёт қисмлар, бошқалар	40	Узоқ, барқарор алоқалар
2024йил			
“Ўзбекистон темир йуллари” АЖ корхоналари	Ёкилғи-мойлаш материаллари, металл, ёғоч, бўёқ, изоляция материаллари, бошқа материаллар ва эҳтиёт қисмлар	64	Узоқ, барқарор алоқалар
Ўзбекистон Республикаси фирмалари ва саноат корхоналари	Металлпрокат, эҳтиёт қисмлар, бошқалар	36	2 йилдан 10 йилга қадар

Ишлаб чиқариш тузилмаси



VI.Энергия ресурслари

2023 йил учун завод томонидан энергия сарфи ва 2024 йилга мўлжалланган истеъмол ҳажми

8- жадвал

Номи	Миқдори		Баҳоси (млн. сум.)	
	2023 йил учун харажат	2024 йил учун прогноз	2023йил	2024 йил учун прогноз
Электроэнергия, млн.квт/с	6950	6800	3 787,65	6 177,02
Табиий газ, млн.м3	2950	2950	1947,0	2 172,98
Сиқилган ҳаво, млн.м3	15000	15000	-	-
Иссиқлик энергияси, минг. Гкал	20000	20000	-	-
Канализация, минг. м3	480	480	500,64	1001,2
Ичимлик суви, минг. м3	100	100	125,0	237,5

2024 йилда энергия сарфини тежаш бўйича бир нечта чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Шунга кўра, корхона маъмурий биносига 80 кВт қувватли қуёш фото электр станциясини ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, натижада 1 ойда ўртача 30-35 млн.сўм иқтисод қилиш кўзда тутилган.

VII. Меҳнат ресурслари

Ходимлар сони

9- жадвал

Ишчилар сони	2023йил	2024 йил
Ишлаб чиқариш ишчилари	829	811
Ёрдамчи ишчилар (Хизмат кўрсатувчи+техник)	193	189
Хизматчи ва мутахассислар	242	237
АУП (МБХ)	50	50
Жами:	**1314**	**1288**

2024 йилга мўлжалланган ишчилар сонининг прогнозлари

10- жадвал

Ходимларнинг номланиши	Сони
Ишлаб чиқариш ишчи ходимлари	712
Штат бўйича ишлаб чиқариш ишчи-ходимлари	101
Жами ишлаб чиқариш ишчилари сони	**813**
Хизмат кўрсатувчи персонал	174
Техник персонал	15
Хизматчилар (мутахассислар, бошқарув персонали)	286
Жумладан АУП (МБХ)	50
Жами ходимлар сони	**1288**

2024 йил учун меҳнат ва ойлик иш ҳақи бўйича режа

11-Жадвал

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Саноат-ишлаб чиқариш персонали
Сони	киши	1288
Иш хақи фонди	Млн. сўм.	125 197
Бир ишчининг ўртача иш ҳақи	сўм	8 100 225

Ходимлар

Кадрлар тайёрлаш масаласи хозирги кунда хар қандай корхона учун доимий ривожланиш, унинг бозорда рақобатбардошлигини ошириш ва фойда олишга қаратилган энг устувор вазифалардан бирига айланди.

Ўзгарувчан бозор шароитларига ўз вактида мослашиш ва ривожланиш учун янги имкониятларни изламай туриб, бизнесда муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

Истеъмолчиларнинг талаблари ўзгариб, янги турдаги товарлар ва хизматларга эхтиёжлар ортиб бормокда.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш усулларидан ва муваффақиятли ишлашнинг асосий шартларидан бири бу кадрларни такомиллаштириш ва касбий ўсишидир.

Республикада ишлаб чиқилган аҳолини иш билан таъминлашни иқтисодий ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, шунингдек, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда, мустақил равишда ташкил эта оладиган, корхона эҳтиёжларига мувофиқ келажакдаги муаммоларни ҳал қила оладиган ходимларнинг малакасини, маданиятини ва ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида - кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича прогнозли кўрсаткичлар дастури ишлаб чиқилган.

1. Кадрларни танлаш ва улардан оқилона фойдаланиш

«O’ztemiryo’lmashta’mir» УК бўлинмаларини талаб қилинадиган мутахассисликлар бўйича қуйидагилар ҳисобига тўлдирилади:

1.1. Малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича Тошкент Транспорт университети, Тошкент темир йўл транспорти касб-хунар коллежи ва бошка олий ўкув юртлари билан зарур ихтисосликлар бўйича шартномалар тузиш (Москва давлат пўлат ва қотишмалар институти);

1.2. Миробод тумани меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш бўлими ва алоҳида ҳолатларда Шаҳар меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаси билан шартнома тузиш;

1.3. Мустақил ёллаш ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ темир йўл корхоналарига бўйсунадиган корхоналардан ички кўчириш орқали қабул қилиш;
1.4. Бўш иш ўринлари тўғрисида эълонларни оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш.



2. Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш

2.1 Раҳбарлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш қуйидагилар билан шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.
- Тошкент темир йўл мухандислари институти ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш Йўл маркази.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти академия-си.
- «TRANS-EKO» хусусий илмий-консалтинг мар-кази.
- Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти.
- талаб қилинадиган мутахассислик ёки масалалар бўйича бошка таълим муассасаларида, шунингдек тўғридан-тўғри корхонада раҳбар ходимлар ва мутахассислар учун узлуксиз ўқитишнинг асосий турларини ташкил этиш орқали.

2.2.Оммавий касблар бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш қуйидагилар билан шартномалар тузиш орқали амалга оширилади:

- Тошкент темир йўл мухандислари институти ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш Йўл маркази.

- Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти.

- ВЧД-1 мавзуси бўйича: "Назоратнинг ультратовуш усули"

- "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ марказий аппарати

- талаб қилинадиган касб ёки масалалар бўйича бошқа таълим муассасаларида, шунингдек тўғридан-тўғри корхонада оммавий касбий кадрларини узлуксиз ўқитишнинг асосий турларини ташкил этиш орқали.

3. Кадрлар заҳираси



Корхонада кадрларни янгилаш ва уларнинг самарали етакчилик услубини ривожлантириш бўйича ишлар тегишли мақсадга йўналтирилганлик ва тизимли касбий тайёргарлик орқали келажакдаги раҳбарларни лавозимини кўтариш ва олдиндан тайёргарлиги учун кадрлар заҳирасини яратиш орқали амалга оширилади.

4. Мутахассислардан фойдаланиш

Мутахассисларни қабул қилиш ва корхонага жойлаштириш, эгаллайдиган лавозим талабларига ва мавжуд мутахассислиги-малакасига мувофиқлиги асосида амалга оширилади.

Мутахассисларни ишчи лавозимларида ишлатишнинг асосий сабаблари:

- ишловчи пенсионерлар, ўрта махсус маълумотли мутахассислар ва малака даражасига кўра ўрта махсус маълумот талаб қиладиган, юқори тоифадаги ишчиларнинг касби бўйича ишлайдиган мутахассислар, темир йўл ихтисослиги бўлмаган мутахассислари бўлишини ва бошқа сабабларга кўра.

5. Интизом ва кадрлар қўнимсизлиги

Корхонада иш режими ва Ички меҳнат қоидалари талабларига риоя қилиш мақсадида цехларда ва бўлимларда рейдлар ва текширувлар ўтказиш ва корхонанинг назорат пунктларида навбатчилик жадвалларини юритиш орқали меҳнат интизомини мустахкамлаш ишлари олиб борилади.

Меҳнат интизомини бузганлар таҳлил қилиниб, мукофотлаштўғрисидаги қоидаларга мувофиқ, интизомий жазо қўллаш ёки мукофот пулидан маҳрум қилиш бўйича цех қўмиталарининг йиғилишлари ўтказилади.

VIII.Молиявий бўлим

Молиявий модель Ўзбекистон Республикасининг солиққа тортиш ва корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий фаолияти кўрсаткичларини шакллантириш тўғрисидаги амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида қурилган.

Маҳсулот ишлаб чикариш режаси ва маҳсулот таннархи

Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган сотув маҳсулотларининг ҳажми прогноз йилига йиғилган буюртмалар портфели асосида режалаштирилган. Шундай қилиб, 2023 йил учун "Ўзтемирйўимаштаъмир" унитар корхонаси 290 миллиард сўмлик шартномалар тузиш ва шу билан ўз фаолиятини таъминлаш босқичида турибди. Корхонанинг асосий буюртмачиси - "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ. Экспорт учун темир йўл харакатланувчи таркибини, уларнинг таркибий қисмлари ва агрегатларини таъмирлаш, шунингдек, МДХ мамлакатлари корхоналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш амалга оширилади. Корхона фаолиятини таъминлаш учун янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича ишлар доимий равишда олиб борилмоқда, бу эса "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг харакатланувчи таркибни капитал таъмирлаш ва модернизациялашга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга имкон беради.

Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи нархининг тузилиши 10-жадвалда келтирилган. Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, барча ҳаражатларнинг52,93% дан ортиғини материаллар ва эҳтиёт қисмлар эгаллайди.Фақатгина ресурслардан фойдаланиш устидан қатъий назорат корхона зарар кўрмаслигига имкон беради.

Маҳсулот таннархи тузилмаси 2024 йил прогнози

12– жадвал

Харажатлар қисми	**%**
1.Материаллар ва эҳтиёт қисмлари	52,93
2. Ишлаб чиқариш характеридаги ишлар ва хизматлар	1,5
3.Ёқилғи ва электр энергия	3,25
4.Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	31,72
6. Ижтимоий суғурта бадаллари	3,93
Жами бевосита харажатлар	**93,33**
7.Амортизация	4,01
8.Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар	2,66
ЖАМИ харажатлар :	**100**

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

13- жадвал

Номланиши	Ўлчов бирлиги	Йиллар		
		2022 амалда	2023 кутилиш	2024 прогноз
1. Ўтган йилнинг мос даврига таққосланадиган нархларда товар маҳсулотларининг ўсиш суръати	%	107	113	115
2.Ўртача ишчилар сони-ЖАМИ	киши	1334	1 314	1 283
3. Умумхўжалик фаолиятидан даромад	минг.сўм	4 113 995	4 593553	7 872 178
4. Сотув рентабеллиги коэфициенти	(Ялпи фойда) / (Сотишдан соф тушум)	15,8	15,8	23,6
	(Соф фойда) / (Сотишдан соф тушум)	1,6	1,6	2,4

Корхона 2024 йилда умумхўжалик фаолиятидан 5.7 млрд.сўмлик даромад олишни прогноз қилган бўлиб, сотув рентабеллиги коэффициенти 17 %ни ташкил килиши кўзда тутилган.

2024 йил учун харажатлар сметаси (млн.сўм)

14- жадвал

Кўрсаткичлар номи	2024 йил режаси
Амалдаги нархлардаги товар маҳсулотлари	**334 000,00**
Савдо маҳсулотларини ишлаб чиқариш таннархи **Шу жумладан:**	**288 282,00**
Материаллар ва эҳтиёт қисмлари	153258,76
Ишлаб чиқариш характеридаги ишлар ва хизматлар	4 324,23
Технологик мақсадлар учун ёқилғи ва энергия	9 369,17
Ишлаб чиқариш характеридаги меҳнат ҳақи харажатлари	91 443,06
Ижтимоий суғурта бадаллари	9 851,72
Асосий фонд амортизацияси	11 329,48
Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар	7 668,21

Изох: Кўрсатилган харажатлар сметаси режавий (прогноз) характерга эга бўлиб, амалда қисман ўзгартиришлар киритилиши мумкин

IX. Молиявий режа

2024 йил учун молиявий натижалар прогнози (млн.сўм)

15–жадвал

	Наименование	Всего на 2024 год	в том числе, по кв		
			I	II	
1.	**Чистая выручка от реализации продукции**	333 748 002	72 698 402	70 274 049	78 7
2.	Себестоимость реализованной продукции	-295 161 074	-64 143 553	-62 568 911	-67 6
3	**Валовая прибыль(убыток) от реализации продукции**	**38 586 928**	**8 554 849**	**7 705 138**	**11 1**
	Рентабельность валовой прибыли	12%	12%	11%	1
4.	**Расхода периода, в том числе:**	**-33 398 106**	**-6 335 318**	**-7 526 274**	**-9 7**
4.1.	Расходы по реализации	-172 602	-62 558	-69 802	-1
4.2.	Административные расходы	-11 570 867	-2 124 649	-2 813 870	-3 3
4.3.	Прочие операционный расходы	-21 654 637	-4 148 111	-4 642 602	-6 3
	в том числе расходы на спонсорство				
5.	Прочие даходы от основной деятельности	2 001 871	621 539	706 972	34
6.	**Прибыль (убыток) от основной деятельности**	**7 190 693**	**2 841 070**	**885 836**	**1 74**
7.	Сальдо по финансовой деятельности	681 485	-61 074	11 140	35
7.1.	в т.ч. Расходы в виде процентов	-61 123	-20 549	-17 265	-1
8.	**Прибыль (убыток) от общехозяйственной деятельности**	7 872 178	2 779 996	896 976	2 1
9	Чрезвычайные прибыли и убытки				
10.	**Прибыль (убыток) до уплаты налога на прибыль**	**7 872 178**	**2 779 996**	**896 976**	**2 1**
11.	Сумма налога на прибыль и прочие налоги	-1 871 817	-508 814	-202 216	-6
	Чистая прибыль (убыток)	**6 000 361**	**2 271 182**	**694 760**	**1 4**
	EBITDA	**26 457 407**	**7 422 536**	**5 527 723**	**6 7**

Ҳулоса:

Шундай қилиб, узоқ 120 йиллик тарихга эга ушбу саноат корхонасиРеспублика транспорт тизими, хусусан, темирйўл транспортининг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Йиллар давомида “Ўзтемирйўлмаштаъмир” акциядорлик жамияти Ўзбекистон “Темир йўллари” АЖ ва бошқа саноат корхоналари учун локомотив ҳамда уларнинг таркибий қисмларини таъмирлаш, ишлаб чиқариш ишларини амалга ошириб келмоқда. Корхона ишлаб чиқараётган локомотивнинг асосий таркибий қисмлари нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки МДҲ давлатларига ҳам экспорт қилинади.

Корхонанинг кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратиши диққатга сазовор. Юртимизнинг бир қанча олий таълим муассасалари ва қатор малака ошириш марказлари билан хамкорликда кадрларни саралаб олиш ҳамда малакаларини ошириш ишлари йўлга қўйилган. Шунингдек, кадрлар захираси ва уларнинг қўнимсизлиги ҳам инобатга олинган.

Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган сотув маҳсулотларининг ҳажми прогнози йилига йиғилган буюртмалар портфели асосида режалаштирилган. 2024 йил учун корхона 334 миллиард сўмлик шартномалар тузиш ва шу билан белгиланганрежани 100%га бажаришни мақсад қилган.

“Ўзтемирйўлмаштаъмир” акциядорлик жамияти 2024 йилда режали ва тизимли бошқаришни кўзлаган ҳолда, ERP ва бошқарувнинг бошқа замонавий тизимларини жорий қилишни мўлжаллаган.

Корхона молиявий бўлими асосини маҳсулот таннархива шу асосида**харажатлар сметаси прогнози**, **асосий иқтисодий кўрсаткичлар** ва**молиявий натижалар прогнози**ташкил қилади.

Маҳсулот таннархи- материаллар ва эҳтиёт қисмлари, ишлаб чиқариш характеридаги ишлар ва хизматлар, ёқилғи ва электр энергия, ишлаб чиқариш характеридаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ижтимоий суғурта бадаллари, амортизация харажатлари ва ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар;

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар - ўтган йилнинг мос даврига таққосланадиган нархларда товар маҳсулотларининг ўсиш суръати, ўртача ишчилар сони, умумхўжалик фаолиятидан даромад ва сотув рентабеллиги коэфициенти;

Молиявий натижалар прогнози - ишлаб чиқариш таннархи асосида давр ҳаражатлари,даромад солиқларни тўлашга қадар жами молиявий натижалар, даромад солиғи, капитал қўйилмалар ва соф фойдани ўз ичига олади.